Inson manfaatlari — oliy qadriyat

2024-yil 29-mart, juma № 13 (1479)

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat
www.adolat.uz
info@adolatgzt.uz

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

# БУЮК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ ВА ЭЗГУ ТИЛАКЛАР ИЖОБАТИ








Кундан-кунга ҳар жабҳада ривожланиб бораётган Наманган вилоятида ўтган 2023 йил якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот 47,1 триллион сўмни ташкил этиб, 105,4 фоизга ўсишга эришилди. Бу борада кичик бизнеснинг улуши 72,8 фоизга етди. Жумладан, 20,8 триллион сўмлик саноат ва 32,8 триллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 17,8 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилган, қурилиш-пудрат ишлари 7,5 триллион сўмни ташкил этган.

2

## Аҳоли хавфсизлиги таъминланади

...пиёдаларнинг ҳамда тунда автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши инобатга олинмаган. Кўприкнинг ҳар икки ён қисмида ҳимоя тўсиқлари ўрнатилмаган, пиёдалар ўтиши учун махсус йўлакча қурилмаган. Бу эса ҳудудда яшовчи аҳолининг, айниқса, ёш болалар ва уларнинг ота-оналарида доимий хавотир уйғотарди.

3



## ОЛТМИШ ЙИЛ АВВАЛ ҚУРИЛГАН МАКТАБ

### бугунги кун талабига жавоб берадими?!

*Мактаб ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган бўлиб, ҳозирги вақтда ўқув биноси, эшик-ромлари ҳамда спорт зали таъмирталаб ҳолатда. Ўрганишларда мактаб ўқув биноси пойдеворида ёриқлар пайдо бўлганлиги ва чўкиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Мактабда икки сменада ўқув олиб борилса-да, қўшимча тўгараклар ва машғулотлар ўтказиш имконияти мавжуд эмас. Шунингдек, мактабда фаоллар зали, ошхона таъмирга муҳтож. Синфхоналар етишмаслиги сабабли қўшимча бинога эҳтиёж борлиги юзасидан туман Халқ таълими бўлимига депутатлик сўрови юборилди.*

3



## БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН ЮРТ

...шаҳар барча даврларда илм-фан, маърифат, санъат маскани сифатида Шарқда шуҳрат қозонган. Бу ерда Маъмун академияси, Ануштегинийлар даври маърифат масканларидан ташқари юзлаб мадрасалар, ўнлаб кутубхоналар фаолият юритган. Улардан баъзилари ҳақида муаррихлар асарларида ҳар хил маълумотлар сақланиб қолган.

5




## КИТОБЛАР тафаккур кемаларидир

– Китоб ўқиш, биринчи навбатда, инсонга руҳий озуқа беради, кишини ўз олдига улкан мақсадлар қўйишга ўргатади. Ҳозирда кўплаб ёшлар китоб ўқишни фақат бўш вақтда қилинадиган машғулот сифатида кўришади. Аслида бундай ўйлаш хато, негаки, бу жараён доимий қилиниши керак бўлган, фикр доирасини кенгайтириб, ҳаётга тўғри нигоҳ билан қарашни ўргатадиган машғулотдир. Китоблар тафаккур кемаларидир. Улар ақлни чархлайди, инсонни ўзининг оламига олиб киради. Қолаверса, кишида ижодкорлик, эстетик тарбиянинг шаклланишида асосий воситадир.

6

# БУЮК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ ВА ЭЗГУ ТИЛАКЛАР ИЖОБАТИ

**Исроилжон ЖЎРАЕВ,**
**“Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раиси**

1 Давлат раҳбари ташрифни дастлаб Янги Наманган туманидаги ақлли технология билан жиҳозланган “Гавҳар груп” корхонасидан бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майда “Ўзбекистонда заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилингандан сўнг бу нозик ва даромадли соҳага бўлган қизиқиш янада кучайди. Йилига 1 минг 200 килограмм заргарлик буюмларини саноат усулида ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхонада 10 минг хилдаги заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Чет эллар билан ҳамкорликда қўл соатларининг тилла қобиғини тайёрлаш йўлга қўйилган. Икки юз киши иш билан таъминланган корхонада 2023 йилда 270 килограмм жозибадор маҳсулот ишлаб чиқарилган. Корхона ишчиларининг деярли барчасининг ота касби заргарлик бўлган. Улар айни пайтда замонавий 3D формат орқали буюртма асосида исталган кўринишдаги буюмлар ишлаб чиқаришни уддасидан чиқадиган даражадаги устага айланишган.

– *Ушбу ҳунарни ўрганганимга йигирма йил бўлди,* – дейди моҳир уста Акбар Отахўжаев. – *Аввалги заргарлар шу иш орқали пенсияга чиқишни тасаввурига сиғдиролмаган. Мана, биз шундай имкониятга эга бўлиб турибмиз. Бу заргарлик ижтимоий ҳунарга айланганидан дарак.*

Президент топшириғига кўра Наманганда Туркия тажрибаси асосида олтинни қайта ишлаш ва сотиш бўйича йирик марказ ишга тушадиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида 20 минг тонна бурама мих ва қоғоз ўрами ишлаб чиқариладиган, асосан





ёшлар фаолият юритадиган “Мехмаш” МЧЖда, Уйчи туманидаги темир буюмлар ишлаб чиқариладиган “Қумтепа” кичик саноат ҳудудида ишлаётган ёш касб эгалари билан ҳам суҳбат қурди. Сўнгра Қумтепа маҳалласи аҳолиси билан учрашди. Бу маҳаллада оилалар аҳил, ажримлар йўқ, ибрат бўларли ҳаёт тарзига эга. Ҳурнармандлар, деҳқонлар уддабурон. Ёшлар кексалар ўгитига амал қилиб, барака топган. Келажакда Уйчи туманида бирорта ишсиз одам қолмайди. Президент Наманган туманидаги йилига 10 минг дона электродвигатель ва 2 минг дона энергия тежамкор сув насослари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Nammotors» ва бошқа қатор янги корхоналар фаолияти билан ҳам танишди.

Маълумки, саноат корхоналари сони кун сайин кўпайиб, аҳолининг турмуш тарзи замонавийлашиб бориши натижасида аҳолининг электр қувватига бўлган талаби ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Халқ эҳтиёжини қондириш мақсадида вилоятимизда йирик электр энергияси ишлаб чиқариш манбаларини барпо этиш зарурати туғилган эди. Президентимиз йирик энергетика лойиҳалари қурилишини бошлаб бериш учун рамзий тугмани босиш жараёнида халқимизга қарата бундай деди:

– *Одамларимизнинг фаровон яшашига шароит яратиш янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий пойдеворларидан биридир. Катта-кичик лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ва уларнинг барқарор фаолияти учун узлуксиз энергия таъминоти ниҳоятда зарур. Шу маънода, бугунги маросим ҳам тарихий воқеа. Барчангизни шундай янги лойиҳа ва ташаббуслар билан табриклайман!*

Шу лаҳзадан вилоятимизнинг Уйчи, Поп туманларида учта электр станцияси қурилишига старт берилди.

Кечки пайт оммавий тарзда ўтказилган ифторликда иштирок этган Президент:

– *Муборак Рамазон ойи шарофати билан юртимизда, жами мусулмон ўлкаларда, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар, халқлар ўртасида дўст-биродарлик, ўзаро ҳурмат туйғулари устувор бўлсин. Кучлилар – ожизларга таянч, саховатпешалар – муҳтожларга ёрдамчи, ёшлар – қарияларга ғамхўр бўлсин. Динимизда белгилаб берилган тўғри йўлдан оғишмайлик, айни пайтда замон билан ҳамнафас яшайлик. Ёшларимиз билимлари билан жаҳонга танилиб, юртимиз довруғини юксакларга кўтаришсин. Ўзбекистон дунёнинг энг олди, энг илғор давлатларидан бирига айлансин. Тутган рўзаларимиз, дуоларимиз даргоҳида қабул бўлсин,* – дея эзгу тилак билдирди.

Шавкат Мирзиёев Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари ҳамда иқтисодий комплекс мутасаддилари иштирокида ўтказган йиғилишда Сайхунобод тажрибаси асосида маҳаллабай ишлаш, томорқа ва хонадонлардаги имкониятлардан фойдаланиб, аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Вилоятдаги барча ҳокимларга ўн тўртта тумандаги 788 та маҳаллада янги иш ўринлари яратиш билан ёшлар, хотин-қизларга касб-ҳунар сирларини ўргатиб, даромад топиш вазифаси юклатилди.

Ташрифнинг иккинчи кунида Давлатобод туманида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари Наманганни мамлакатимизнинг энг баракали, серсув ва серҳосил ҳудудларидан бири экани, бу ерда ғурури баланд, тадбиркорликда энг илғор инсонлар яшаётганлигини таъкидлаб ўтгани барчамизни янада руҳлантириб юборди. Чиндан ҳам Наманганда ишнинг кўзини биладиган, заррадан тоғ бунёд қиладиган тадбиркорлар кўп. Ўтган етти йил ичида вилоят иқтисоди икки баробарга ошгани, экспорт ҳажми уч карра ўсгани фикримизни тасдиқлайди. Йиғилишда ишга туширилиши кўзда тутилган қатор лойиҳалар, амалга оширилиши муҳим бўлган имкониятлар ҳақида гап борди. Вилоятда ички туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун вилоятни Бухоро ва Самарқанд билан боғловчи темир йўл қатновини йўлга қўйиш, Қамчиқ довонига яқин ҳудудда ва Қирғиз томони билан келишилган ҳолда «Учқўрғон-Кенсай» логистика маркази барпо этиш режага киритилди. Шунингдек, йил якунига қадар мева-сабзавотни қайта ишлаш йўналишида 62 та лойиҳани ишга тушириш, Косонсой ва Попда йирик чорвачилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш, асал ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этишга тавсия берилди. Чуст, Поп, Наманган ва Мингбулоқда ичимлик ҳамда оқава сувни яхшилаш муҳим экани таъкидланди. Олийгоҳларда таълим олаётган 65 мингдан зиёд талабанинг тенг ярми бошқа вилоятлардан эканидан келиб чиқиб, 43 та маҳаллада уй ётоқхоналари ташкил этиш вазифаси топширилди. Аҳоли зичлиги катта бўлган вилоятимизда турар-жойга бўлган талаб ҳам юқори. Шунинг учун Президент бу йилдан йигирма минг хонадон жойлашиши кўзда тутилган турар-жойлар, IT-парк, меҳмонхона, бизнес маркази, Чуст ва Поп туманида ўн минг аҳоли учун «Ўзбекистон массиви» қурилишига ва 68 гектарда «Янги Ўзбекистон боғи» барпо этиш кераклигини белгилаб берди.

Президент 2021 йилда наманганлик сайловчилар билан учрашувда Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибрат номидаги институтни барпо этиш таклифини билдирганди. 2022 йилда мазкур институт очилиб, жаҳон тиллари факультети, 6 та кафедра ва 16 та таълим йўналишда иш бошлаганди. Ҳозирда икки босқичда 1 минг 523 нафар талаба сабоқ олмоқда. Президент мазкур институтнинг Янги Наманган туманида қад ростлаётган биносини бориб кўрди.

Маълумки, аэропорт ҳар бир вилоятнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётган вилоят учун аэропортни янада кенгайтириш, ҳаво кемалари қатновини ошириш, йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи халқимиз учун улкан имкониятлар эшикларини очди.

# Қонун лойиҳаси: МУҲОФАЗА АСОСИЙ МАСАЛА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилиш янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.



Ушбу қонун лойиҳаси жорий йил 5 февраль куни бўлиб ўтган сиёсий партиялар йиғилишларида биринчи ўқишда муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича қатор таклифлар берилган эди.

Ўтган даврда масъул қўмита ва ишчи гуруҳ аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишларда берилган барча таклифлар чуқур таҳлил қилинди ва уларнинг аксарияти қонун лойиҳаси матнида ўз ифодасини топди.

Мунозаралар давомида депутат Қодир Жўраев қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун ташаббускорлари томонидан салмоқли ишлар қилинганлигини эътироф этиб, лойиҳанинг номи бўйича ўз таклифини билдирди.

Депутат Абдуғани Умиров эса қонун лойиҳасининг айрим моддалари бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди. Қонун ташаббускорлари саволлар бўйича атрофлича маълумотлар бериб ўтишди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ҳамда ҳайвонот турлари бутунлай йўқолиб кетишининг олдини олиш учун жавобгарликни оширишга, уларни кўпайтириш ва муҳофаза этишга хизмат қилади.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнига партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ёндашишди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг зарурлигини эътиборга олиб, уни такомиллаштириш бўйича партия позициясидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар. Қонун ташаббускорлари берилган таклифлар асосли эканлигини айтиб, лойиҳани пишиқ-пухта ҳолатга келтиришда инобатга олинишини маълум қилдилар.

Қизғин муҳокамалар, савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Мажлисда, шунингдек, фракция ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## Қутлаймиз!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла тизими ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида»ги 2024 йил 21 мартдаги фармонига кўра, маҳалла тизимида узоқ йиллардан фаолият юритиб келаётган юртдошларимиз тақдирланди.**

**Улар орасида маҳалла тизимида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган «Адолат» социал-демократик партиясининг фаол аъзолари ҳам борлиги бизни беҳад қувонтирди.**

# МУКОФОТ ВА ЭЪТИРОФ МУБОРАК!



*Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, жамиятимизда маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, маҳаллабай ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш борасидаги меҳнатлари учун* **Андижон вилоят, Избоскан туманидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, ташаббускор партиядошимиз Адибахон Исматова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.**

*Шунингдек, кўп асрлик анъаналаримизни асраб-авайлаш, халқимиз орасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда соҳадаги кўп йиллик самарали фаолияти учун партиямиздан* **халқ депутатлари Конимех туман Кенгаши депутати Олжас Исаев Президентимизнинг юқоридаги фармонига мувофиқ «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.**





**Самарқанд вилояти, Нурободтуманидаги «Аработа» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси** *сифатида ўзининг фидоийлиги, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишидаги ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришиб келаётган* **партиядошимиз Гавҳар Исаева «Шуҳрат» медалига лойиқ кўрилди.**

*Шунингдек, маҳалла тизимидаги кўп йиллик самарали фаолияти, маҳалланинг нуфузи ва ролини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалда татбиқ этишдаги фаоллиги учун бир қатор партиядошларимиз, жумладан,* **«Адолат» СДП Ғозғон шаҳар кенгаши раиси Одилжон Шарипов** ҳамда **Избоскан тумани «Бирлашган» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Минаввархон Гулбоевалар «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонига сазовор бўлдилар.**





*Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши жамоаси партиядошларимизни эришган юксак мукофотлари билан самимий муборакбод этиб, келгуси ишларида омад ва зафар ёр бўлишини тилайди.*

**«Адолат» СДП Матбуот хизмати**

## Депутатлик гуруҳларида

# ОЛТМИШ ЙИЛ АВВАЛ ҚУРИЛГАН МАКТАБ

### бугунги кун талабига жавоб берадими?!



Халқнинг ишончли вакили бўлишнинг ҳам масъулияти ва мажбурияти бор. Уларни виждонан бажарган депутатларгина халқ эъзозига ва ҳурматига сазовор бўлишади. Бу эса сиёсий партия илгари сураётган ғояларга кенг жамоатчиликда хайрихоҳликни ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклайди.

**Гулшод ТУРСОАТОВА,**
**Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

“Адолат” социал-демократик партиясидан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига сайланган депутатлар ҳам бугунги куннинг талабларига мос равишда фуқароларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг жойларда амалга оширилишини таъминлашда фаоллик кўрсатишмоқда.

Хусусан, партиянинг вилоят кенгашидаги **депутатлик гуруҳи раҳбари Шопўлат Шайдуллаев** ташаббуси билан жорий йилнинг шу кунига қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссияларига 9 та, вилоят кенгаши сессиясига 8 та масала киритилди. Бундан ташқари бугунги кунда вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан 4 та масала навбатдаги сессиялар муҳокамасида кўриб чиқиш учун тақдим этилган. Ушбу масалалар юзасидан доимий комиссия ва сессиянинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ижроси юзасидан депутатлик назорати ўрнатилди.

Қолаверса партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида депутатлар томонидан фуқаролар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг муаммолари ўрганилди.

Хусусан, **депутатлик гуруҳи аъзоси Рустам Ҳамраев**дан “Маърифат” маҳалласида яшовчи фуқаро Айсара Хўжақулова вилоят Онкологик касалликларни даволаш диспансерида айрим дори-дармонларнинг йўқлиги сабабли камёб дориларни топиб беришда амалий ёрдам сўради. Депутат томонидан вилоят Онкологик касалликлар диспансери раҳбариятига мурожаат қилиниб, бемор дори-дармонлар билан таъминланиши ва даволаниши учун муддат белгиланди.

“Маърифат” МФЙда яшовчи 2-гуруҳ ногирони Нуриддин Маматвалиев яшаш манзилида доимий рўйхатда турмаганлиги сабабли оилавий поликлиника томонидан назоратга олинмаганлигини, шу борада амалий ёрдам беришини сўраб мурожаат қилди.

Депутат шаҳардаги 4-оилавий поликлиника билан боғланганидан сўнг фуқаро доимий рўйхатга олиниб, патронаж ҳамширалар томонидан тиббий кўрикдан ўтказиб бориш белгиланди.

Шўрчи тумани “Бахшитепа” МФЙда яшовчи ногиронлиги бор фуқаро Матлуба Донаева ўткир буйрак етишмовчилиги билан оғриши ва буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти учун маблағ зарурлигини айтиб мурожаат қилди. Мазкур фуқарога “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди.

Шунингдек, депутат Бойсун туманида бўлиб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар жараёнида уларнинг муаммоларини ўрганди.

Депутат 7-сонли 180 ўринга мўлжалланган давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини ўрганганида, боғча икки йил олдин фойдаланишга топширилган бўлса-да, иситиш тизимида муаммолар борлиги аниқланди. Боғча қурилиши “Бойсун қурилиш сантехника” МЧЖ томонидан амалга оширилган бўлиб, иситиш тизимида иссик сув айланиши носоз бўлганлиги учун ўтган икки йил қиш мавсумида бино талаб даражасида иситилмаган. Халқ вакили масалага ечим топиш мақсадида “Бойсун қурилиш сантехника” МЧЖга мурожаат қилди ва натижада боғчадаги иситиш тизимидаги муаммолар бартараф этилди.

Депутат мазкур маҳаллада жойлашган 47-сонли умумтаълим мактабида ҳам ўрганиш олиб борди. Мазкур мактаб ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган бўлиб, ҳозирги вақтда ўқув биноси, эшик-ромлари ҳамда спорт зали таъмирталаб ҳолатда. Ўрганишларда мактаб ўқув биноси пойдеворида ёриқлар пайдо бўлганлиги ва чўкиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Мактабда икки сменада ўқув олиб борилса-да, қўшимча тўгараклар ва машғулотлар ўтказиш имконияти мавжуд эмас. Шунингдек, мактабда фаоллар зали, ошхона таъмирга муҳтож. Синфхоналар етишмаслиги сабабли қўшимча бинога эҳтиёж борлиги юзасидан туман Халқ таълими бўлимига депутатлик сўрови юборилди.

**47-сонли умум таълим мактабида ҳам ўрганиш олиб борди. Мазкур мактаб ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган бўлиб, ҳозирги вақтда ўқув биноси, эшик-ромлари ҳамда спорт зали таъмирталаб ҳолатда. Ўрганишларда мактаб ўқув биноси пойдеворида ёриқлар пайдо бўлганлиги ва чўкиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Мактабда икки сменада ўқув олиб борилса-да, қўшимча тўгараклар ва машғулотлар ўтказиш имконияти мавжуд эмас. Шунингдек, мактабда фаоллар зали, ошхона таъмирга муҳтож.**

Шунингдек, депутат аҳоли билан бўлган юзма-юз мулоқотларда маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли уйлар аҳволи билан танишди. Мазкур янги қурилган тураржойларга тумандаги “Шоҳжаҳон бошқарув сервис” МЧЖ томонидан хизмат кўрсатилиши белгиланган бўлиб, ўрганишлар давомида мавжуд тураржой бинолари ташқи фасад қисмларида бўяш ишлари олиб борилмаганлиги, айрим хонадонларга ёмғир сувлари ўтиши қайд этилди. Депутат МЧЖ раҳбари билан боғланиб, мазкур муаммони ҳал қилиб беришни сўради. Бунга жавобан МЧЖ раҳбари тез орада муаммо бартараф этилишини билдирди. Бундан ташқари, тураржой биноси чиқиндихоналари тозаланмаганлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганлиги, шунингдек, ушбу ҳудудда ичимлик ва оқова сув муаммоси мавжудлиги маълум бўлди. Мазкур муаммони ҳам ҳал қилиш учун депутат туман ҳокимлиги мутасаддиларига депутатлик сўрови юборди. Депутатлик сўровига ижобий жавоб берилиб, туман Ободонлаштириш бўлими томонидан чиқиндилар маҳалла ҳудудидан олиб чиқиб кетилди ва экотозалик қутилари ўрнатилди. Ичимлик суви муаммосини бартараф этиш мақсадида маҳалладаги сув қувурлари янгиланяпти.

Маҳалла ҳудудидаги “Ҳаёт абадий”, “Меҳридарё”, “Нуроний” ва “Шалола” ички кўчалари текширилганда, ушбу кўчалардаги 4 километр ички йўлларга асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилмаганлиги маълум бўлди. Депутат аралашуви билан “Йўлқурилиш” корхонаси мутасаддилари ички кўчаларга тош ётқизилиб, асфальтлаш ишлари бошлаб юборилди.

Халқ депутатлари **вилоят Кенгаши депутати Абдурашид Ортиқов** билан учрашувда Шўрчи тумани сайловчилари “Ялти” ва “Элбаён” МФЙдаги носоз ички кўчаларни асфальт қилиш зарурлиги юзасидан мурожаат қилишган эди. Депутат аралашгач, Шўрчи туман “Йўлқурилиш” ДУК маҳалланинг ички кўчаларидан беш километрига асфальт ётқизди.

**Депутатлик гуруҳидан аъзоси Шоҳида Холлиева** ҳам халқ билан мулоқот қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида Узун туманидаги “Деҳқон”, “Чақар”, “Мустақилликнинг 22 йиллиги“ МФЙларида бўлиб, сайловчилар билан учрашди.

Учрашув давомида депутат фуқароларга таълим соҳасидаги ислоҳотлар, ёшларнинг соғлом, бақувват, баркамол бўлиб вояга етиши, ўқиб-ўрганишлари учун яратилган кенг имкониятлар, олий таълимдаги янгиликлар, қишлоқ инфратузилмасидаги ижобий ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш учун берилаётган имтиёзли кредитлар ва улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисида тушунчалар берди.

Очиқ ва юзма-юз учрашувлар чоғида 38 нафар фуқародан 42 та мурожаат тушди. Мурожаатлардан 4 таси жойида ҳал қилинди, 6 та мурожаат бўйича вилоят ташкилотлари раҳбарларига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди. Қолган мурожаатлар маҳаллаларнинг ўзида ҳал қилинадиган бўлди.

Депутат тумандаги “Кичик Жончекка” қишлоғи нуронийлари, хотин-қизлари билан ҳам учрашув ўтказди. Юзма-юз суҳбат чоғида аёлларнинг муаммо ва таклифлари, мурожаатлари тингланди. Маҳалладаги 4 нафар хотин-қизларга даволаниши учун ҳомийлик асосида моддий ёрдам кўрсатилди. 12 нафар хотин-қиз эса туманда фаолият олиб бораётган ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро келишилган ҳолда иш билан таъминланди. 4 нафар аёлнинг муаммолари юзасидан хуқуқий маслаҳат берилди.

**Умуман олганда, партиянинг вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, айрим соҳа ва тизимларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишда, электорат манфаатини ҳимоя қилишда зиммаларидаги масъулиятни бажаришмоқда.**

## Лойиҳа

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят туман ва шаҳарларида “Сафимизни кенгайтирамиз” акцияси эълон қилинди. Тадбир доирасида меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда бўлган “адолатчилар” партиямизнинг Сайловолди дастури, бугунги кундаги фаолияти ва сиёсий партияларнинг сайловларда иштироки тўғрисида жамоатчиликка тушунчалар беришди.

# Педагоглар сафимизга қўшилди



Жумладан, Андижон шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби жамоаси таклифига биноан "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида давра суҳбати ташкил этилди. Амалдаги қонунлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, сиёсий жараёнлар тўғрисида иштирокчиларга тушунча берилди. Ўз ўрнида сиёсий партиялар ва уларнинг бугунги кундаги фаолияти юзасидан маърузалар эшитилди.

“Адолат” СДПнинг фаолияти кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Партия сафига кириш истагини билдирган 20 нафар педагогга аъзолик гувоҳномалари топширилди.



Шунингдек, “Партия патронажи” лойиҳаси доирасида "Адолат" СДП Пахтаобод туманидаги 48-умумтаълим мактабида ҳам 8 нафар педагоглар партия аъзолигига қабул қилинди.

**Ҳуснида Раҳимова, 48-умумтаълим мактаб ўқитувчиси:**

*- Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларни тушуниб етдик. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг роли янада ўсиши кўриниб турибди. Шу сабаб менда партия аъзоси бўлиш истаги туғилди ва иккиланмай “Адолат” СДПни танладим. Энди мен ҳам партия фаоли сифатида иш олиб бораман.*

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## Депутат аралашгач

# Аҳоли хавфсизлиги таъминланади



Ўзбекистон “Адолат” СДПдан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Шаҳло Раҳматова яқинда бўлиб ўтган навбатдаги 69-сессияда Навбаҳор туманидаги "Гулистон" маҳалласидаги кўприкка ҳимоя тўсиғи ўрнатиш ҳамда кўприк четига пиёдалар йўлаги қуриш масаласи бўйича ўз таклифини билдирган эди.

“Гулистон” МФЙда 3000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги 500 га яқин ўқувчилар мактабга бориш учун зовур устига қурилган кўприкдан фойдаланади. Бироқ мазкур кўприк жуда тор бўлиб, бор-йўғи битта машина ўтиши учун мўлжалланган.

Бунда пиёдаларнинг ҳамда тунда автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши инобатга олинмаган. Кўприкнинг ҳар икки ён қисмида ҳимоя тўсиқлари ўрнатилмаган, пиёдалар ўтиши учун махсус йўлакча қурилмаган. Бу эса ҳудудда яшовчи аҳолининг, айниқса, ёш болалар ва уларнинг ота-оналарида доимий хавотир уйғотарди.

Мазкур муаммо сессияда муҳокама қилинганидан сўнг Навбаҳор туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ва туман автойўл ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, ҳолат ўрганилди.

Қисқа муддатда мазкур муаммони ҳал этиш бўйича харажатлар сметаси ҳужжатлари тайёрланиб, тегишли масъул ташкилотларга тақдим этилди.

**Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# Оила – жамиятнинг мустаҳкам таянчи

“Адолат” СДП Яккабоғ туман кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Қайрағоч” қишлоқ фуқаролар йиғинида “Оила мустаҳкамлиги – давлат ва жамият эътибор марказида” мавзусида ташкил этилган тадбирда оилаларни янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ажримларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилди.



**Шоира ҲАЛИМОВА,**
**Қашқадарё вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” фаоли**

*– Ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қашқадарёдан 4 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 20 нафар ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида эса 103 нафар депутат хотин-қизлар самарали фаолият олиб боришмоқда,* – деди тадбирда давлат бошқаруви академияси Қарши ҳудудий филиали ўқитувчиси, партия фаоли Дилрабо Чориева. – *Оилаларни янада мустаҳкамлаш учун 2023 йил ва жорий йилнинг ўтган ойларида вилоятдаги 1 минг 61 нафар уй-жойга эҳтиёжманд аёлларга ёрдам берилиб, 225 нафар оилага уй-жой ажратилди. 836 нафар хотин-қизларга 1,5 миллиард сўм ижара тўловлари тўлаб берилди.*

Дарҳақиқат, ҳар қандай ривожланиш йўлини танлаган юрт тараққиёти ўз оилалари мустаҳкамлиги, тинчлиги, барқарорлиги ва манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Тадбирда ҳар бир ватандошимиз учун оила бу умрнинг бошланиши, барча фаолиятларимизнинг муқаддимаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Ҳар бир юртдошимиз борки, ўз бахти ва саодатини, барча муваффақиятларини ўз оиласи билан бевосита боғлайди.

Тадбирда сўзга чиққан “Адолат” СДП Аёллар қаноти фаоли Манзура Раҳимова, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Жаҳонгир Кенжаев ва бошқалар оила қуриш арафасида турган ўнлаб қизларга оила қадриятлари ҳақида кенгроқ тушунча бердилар. Шунингдек, Оила ва хотин-қизлар бўлими мутасаддилари, туман тиббиёт бирлашмаси, Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ФҲДЁ бўлими ходимлари тадбирда иштирок этган ёшларга оиланинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари, саломатлик гигиенасига риоя қилиш, қайнона-қайнота, оила бошқа аъзоларининг ҳуқуқ, бурч ва вазифалари, шу билан бирга масъулияти қандай эканлиги ҳақида ҳам тушунтириш бердилар.

Тадбирда мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш ва янада юқори босқичга кўтариш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан керакли жавобларни олишди.

## Жамоатчилик назорати



# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

Наманган вилоятида олий ўқув юртлари сони йилдан-йилга кўпайиб, ўқишга иштиёқи баланд йигит-қизларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Айни пайтда мавжуд олтита давлат ва тўртта хусусий олийгоҳларда 70 минг нафарга яқин талаба турли касбларни эгаллаш бўйича таълим олмоқдалар.

**Баҳодир БОЛТАБОЕВ,**
**«Адолат» СДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг қарорига мувофиқ, жорий йилнинг феврал-март ойларида олий таълимда илмий-тадқиқот ишларининг натижадорлигини ошириш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш юзасидан талабалар ва амалиётчининг ишлаб чиқаришда олган билим ҳамда кўникмалари даражасини жамоатчилик назорати тартибида ўрганиб чиқиш вазифаси белгилаб берилганди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида "Адолат" СДП вилоят кенгаши томонидан ишчи гуруҳи шакллантирилиб, Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтида назорат тартибида ўрганишлар олиб борилди.

Жамоатчилик назоратини ўтказиш давомида олийгоҳларнинг ўтган ўқув йилида ва 2024 йилнинг дастлабки ойларида ўқув йили бўйича амалиёт ўтказиш соатлари, муддатлари ҳамда мактаб, ташкилот, муассаларда амалиёт ўтказиш бўйича тузилган дастурлар ўрганиб чиқилди. Университетда 2023-2024 ўқув йили учун жараён жадвалига кўра жами 925 ҳафта ёки 27414 соат юклама ҳажмида малакавий амалиётлар кўзда тутилган бўлиб, талабаларнинг амалиёт соатлари мактабгача ва мактаб таълим муассасаларида, вилоят бадиий ижодкорлар уюшмаси, амалий санъат (кулолчилик) университетининг кулолчилик устахонасида, кутубхона-ахборот фаолияти Муҳаммадшариф Сўфизода номидаги болалар кутубхонаси, Янги Ўзбекистон зиё маскани ва Нодирабегим номидаги ахборот кутубхона марказида, маданият ва санъат бўйича вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ва вилоят Маданият бошқармасида, мусиқа таълими бўйича Наманган туманидаги 36- ва Чуст туманидаги 9-умумтаълим мактабларида ўтказиш қатъий белгиланган. Бир сўз билан айтганда, университетдаги мавжуд кафедралар билан вилоятдаги қатор корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, талабаларнинг малакаларини ошириш ва ишга жойлаштириш бўйича 422 та шартнома расмийлаштирилган.

Етук кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб олган университетнинг илмий салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жамоада жами 680 нафар профессор-ўқитувчилар бўлиб, шундан 247 нафари илмий даражага эга. Ўтган ўқув йилида асосий ставкада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилардан 61 нафари фалсафа доктори, 9 нафари фан доктори илмий даражасини ҳимоя қилган. Профессор-ўқитувчилардан 31 нафари доцент, 8 нафари профессор унвонини олган.

Наманган муҳандислик-технология институтида янги ўқув йилининг 1-семестрида талабаларнинг амалиёт ўтказишлари учун 9 та таълим йўналиши бўйича малакавий амалиётлар ўтказиш режалаштирилган. Ўрганишлар давомида мактабгача ва мактаб таълими, қишлоқ хўжалиги, энергетика, инвестиция, савдо-саноат вазирликларига қарашли муассаса ва ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик шартномалари тузилганлиги аён бўлди. Амалиёт ўташ ва танлаган соҳалари бўйича иш ўрганишлари учун талабалар ҳавфсизлик чоралари билан таништирилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланган ва уларга малакали ходимлар раҳбар этиб бириктирилган.

Ушбу олийгоҳда 2024 йилнинг дастлабки икки ойида профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар томонидан 3 та фан доктори ва 12 та фалсафа доктори диссертациялари ҳимоя қилинган. Институтда 2021-2023 йиллар давомида 155 та диссертация ҳимоялари ўтказилган бўлиб, шундан 21 таси фан доктори ва 134 таси фалсафа доктори диссертацияларидир. Институтда Бизнес инкубация ва акселерация маркази фаолият олиб бормоқда. Ушбу марказ томонидан талабалар жамоасидан иборат иккита 100 миллион сўмлик стартап лойиҳалари молиялаштирилди. 624 минг АҚШ долларига тенг ўнта халқаро лойиҳалар амалга оширилган.

Ўтган йили институт профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчиларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида индексланувчи илмий журналларда 199 та мақолалари чоп этилган. Шунингдек, ўтган йил давомида ихтиро ва фойдали моделлар, селекция ютуқлари ва саноат намуналарини яратиш бўйича 39 та патент ва АКТга оид дастурий маҳсулотлар учун 421 та гувоҳномалар олинган. Жаҳон банки грантлари асосида 11,2 миллиард сўмлик 6 та лабораториялар жамланмалари келтирилиб, ўқув ва илмий жараёнга татбиқ этилган.

Ишчи гуруҳи Муҳандислик-қурилиш институтида ҳам илмий фаолият бўйича қатор ижобий натижаларга эришилганлигига гувоҳ бўлишди. Мазкур институтда профессор-ўқитувчилар сони 385 нафар бўлиб, шундан 177 нафари илмий даражага эга. Ўтган йили профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар томонидан тўққизта 2243,0 миллион сўмлик, жумладан, иккита Ўзбекистон-Белорус халқаро қўшма лойиҳалар, битта фундаментал лойиҳа, иккита амалий лойиҳа ва тўртта лойиҳа ишлари амалга оширилган. Ўтган йилда 135 нафар илмий ходим чет элларда малака оширган. Академик мобиллик бўйича 26 нафар талаба хорижда бўлиб қайтган. 2024 йилнинг январь ойи ҳолатига докторантлар сони 136 нафарга етган. Ўтган йилда учта халқаро ва шунча республика миқёсида илмий анжуманлар ўтказилган. Профессор-ўқитувчилар томонидан ОАК журналларида 407 та, халқаро импакт факторга эга журналларда 501 та мақолалар чоп этилган. 2023-2024 ўқув йили учун олти талаба Давлат стипендияси олиш имконини қўлга киритган бўлиб, шундан бир талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва тўрт нафари Беруний номидаги ва бир нафари Ислом Каримов номидаги стипендиялар соҳиби бўлишган.

Мазкур олийгоҳ мамлакатимиздаги техника, технология, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳалари олий таълим муассасалари рейтингида 4-ўринни эгаллаб турибди. Институтда халқаро ҳамкорлик бўйича 43 та шартнома ва меморандумлар имзоланган. Мамлакат Президенти наманганлик ёшлар билан учрашганда институтнинг транспорт факультети талабаси О.Қодирова томонидан билдирилган таклифга асосан энг замонавий йўналишлар бўйича билим олиш ва амалиёт ўташ учун транспорт факультети биносида барча шароит ва жиҳозларга эга бўлган Бионика лабораторияси барпо этилган.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жамоатчилик назорати ишчи гуруҳи томонидан ҳар учала олийгоҳда олиб борилган ўрганишлар давомида бугунги кунда ёш авлодга берилаётган таълим самарадорлиги юқори экани маълум бўлди. Олийгоҳларда таълим сифати янада юқори бўлса, бу йигит-қизларимиз учун илмий жабҳада янги имкониятлар эшигини очиб беради. Мамлакатда илм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам шуни талаб қилади.**

## “ADOLAT” шарҳи

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадри улуғланиб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтириш мақсадида одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

**Миролим ЮЛДАШЕВ,**
**Жиззах туманлараро маъмурий судининг судьяси**

# СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “*Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги фармонида суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибини яратиш белгиланган эди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонунга асосан суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш механизмлари янада такомиллаштирилиб, суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартиби жорий этилди.

Унга кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб туманлараро судлар томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди. Шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида, ўз навбатида, судлов ҳайъати томонидан кўрилган ишларни Раёсатда тафтиш тартибида кўриб чиқиш, апелляция, кассация инстанцияси судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва улар томонидан иш бўйича якуний қарор қабул қилиш белгиланди.

Қонун билан суд қарорлари устидан кассация ва тафтиш тартибида шикоят қилиш муддатлари ҳам ўзгартирилди. Хусусан, кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) эса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида бериладиган бўлди.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати қуйи инстанция судлари томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўтган бўлса, шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин, яъни, яна қўшимча уч ойлик муддат берилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига Олий суд раисининг, Бош прокурорнинг протести тегишли шахсларнинг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан уч ой ичида, лекин судлов ҳайъати томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай киритилиши мумкин.

Суд қарорлари устидан апелляция, кассация ва тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича, агар илтимоснома шикоятни (протестни) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва шикоят (протест) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари судья (суд) томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Ишни апелляция, кассация ёки тафтиш тартибида кўрган суднинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради. Олий суд Раёсатининг қарори якуний ҳисобланади ва унинг устидан шикоят қилинмайди, яъни, протест келтирилмайди.

## Огоҳлик

# Болаларни асрайлик!

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари турлича. Айниқса, болаларнинг ўйинқароқлиги оқибатида содир бўлган ёнғин жуда хавфли. Шундай ота-оналар ҳам борки, эътиборсизлик ва масъулиятсизликлари туфайли ўйинқароқ фарзандларини уйларида ёлғиз қолдириб кетишади, ҳатто гугуртни болаларнинг қўли етмайдиган жойга яширишни ҳам унутишади.

**Бахтиёр МИРЗАЕВ,**
**Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинмаси инспектори, капитан**

Бундай ҳолда эса болалар гугурт, электр-маиший асбоблар ва газ жиҳозларидан бемалол фойдаланишлари мумкин. Агар уйда ёнғин чиққудек бўлса, даҳшатга тушган болалар уй бурчакларига ёки шкаф, кароватлар остига беркиниб олишлари табиий. Натижада олов борган сари кучайиб, оқибат ўта аянчли тус олиши ҳам ҳеч гап эмас...

Шу боис биз, катталар ҳамиша фарзандларимизга ёнғиндан эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтиришимиз, гугурт, электр-маиший асбоблар ва газ жиҳозларининг ўйинчоқ эмаслигини тушунтириб боришимиз шарт.

Шуни афсус билан айтиш жоизки, ёнғинлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар катта миқдорда моддий зарар келтиришдан ташқари, энг аянчлиси — ўлимга сабаб бўлаяпти. Шунинг учун маслаҳатимиз, болаларни уйда қаровсиз қолдирмаслик, гугуртни болаларнинг қўли етмайдиган жойда сақлаш, уйдан чиқиш чоғида электр иситгич ва газ асбобларини ўчириш, болаларга олов билан ўйнаш, электр иситиш асбоблари, маиший техника воситаларидан фойдаланишга рухсат бермаслик, уларга олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўргатиш, ёнғин келиб чиққудай бўлса, қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини уқтириш зарур.

Ёдингизда бўлсин, фақат ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя этибгина энг катта фалокат — ёнғин балосининг олдини олиш мумкин.

## “Адолат тарозиси”

**Муҳайёхон ТУРДИЕВА,**
**жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг судьяси**

# АЛИМЕНТ ТЎЛАМАЙ ЮРГАН... ОНА



Одатда алимент қарздорлиги ҳақида гап кетганда собиқ рафиқасига зарда қилиб, фарзандини моддий таъминлашдан бош тортиб юрган, бу билан унинг хунобини ошираётган эркак кўз олдимизда гавдаланади. Аммо баъзан қарздор аёл киши ҳам бўлиши мумкин.

Андижон шаҳрида яшовчи Ёрқиной Долимова (исм-шарифлари ўзгартирилган) ана шундай оналик мажбуриятини бажармаган ҳамюртларимиздан бири эканига нима дейсиз?

Маълум бўлишича, Ёрқиной бир неча йил муқаддам фуқаро Қобилжон Долимов билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган. Натижада 2007 йилда қизи Маликахон Қобулжонова, 2010 йилда эса ўғли Муҳаммаджон Қобулжонов туғилишган. Аммо вақт ўтиши билан эр-хотиннинг ўртасига совуқчилик тушиб, оиладан жанжал аримай қолади. Охир-оқибат Қобилжон билан Ёрқиной 2016 йилда ажрашиб кетишади. Ҳатто икки фарзанд ҳам уларни бир-бирига боғлаб қололмайди. Энг ачинарлиси, аёл жигарбандларини хўжайинига ташлаб кетади. Бундай бағритошлик бутун маҳаллани, қариндош-уруғ ва таниш-билишларнинг ҳам дилини хуфтон қилади.

Шундан сўнг Қ.Долимов Ё.Долимовадан алимент ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилади. Суднинг 2016 йил 13 октябрдаги суд буйруғига асосан берaҳм онадан собиқ хўжайини фойдасига 2 нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланади. Лекин...

Лекин Ёрқиной бошқа шахс билан турмуш қуриб, яна 3 нафар фарзандли бўлади. Малика ва Муҳаммаджоннинг моддий таъминоти ҳақида эса умуман ўйламайди. Яъни, зиммасидаги мажбуриятини йиллар мобайнида бажармайди. Аниқроғи, 2022 йилга келиб, унинг алиментдан қарздорлиги 85 миллион 896 минг сўмга етади. Оқибатда 2022 йил 15 декабрда жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг қарорига асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари – 300 минг сўм миқдорида жарима жазосига тортилади. Аммо Ё.Долимова шунда ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармай, 2023 йил 13 апрелдан 2023 йил 1 декабрга қадар алиментни тўламайди. Қарабсизки, ҳаш-паш дегунча аёлнинг бўйнида яна 15 миллион 677 минг сўм қарздорлик пайдо бўлади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади...

Яқинда мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд Ёрқиной Долимовани Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари – 1 миллион 700 минг сўм жарима жазосига маҳкум этди. Шунингдек, суд ҳукмида судланувчидан Қ.Долимов фойдасига 15 миллион 677 минг сўм алимент пулларини ундириш ҳам белгиланди.



Иккинчи мақола

Биз билган ва билмаган тарих

# БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН ЮРТ

Археолог Ҳамро Юсупов билан “Қирқ мулло” тепалигидан ўтиб анча юргач, атрофда эски қабрлар ўринлари сезилиб турган сайхонликда тўхтадик. **“Бу ерда бир пайтлари Саййид Чакчак ота мақбараси бўлган. Мақбара йўқ бўлиб кетган. Лекин бу шахснинг номи унутилмай қолган. Ҳатто у ҳақда ҳар хил ривоятлар ҳам тўқилган”**, дея атрофни кўрсатиб изоҳ берди Ҳамро ака.

**Камол МАТЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

*“Айтишларича, қадимда бу юртда Чакчак ота деган валий, авлиё сифатида танилган, бироқ дарвиш ҳолатида юрадиган бир зот бор экан. Ўша юртнинг подшоси дарвишнинг валийлик қудрати қандай эканлигини синамоқчи бўлиб, уни ҳузурига чорлабди. Сарой мулозимлари авлиё дарвишни подшоҳ ҳузурига олиб киришларидан олдин ҳукмдор ўтирган хонага бир чигиртка учиб кирибди. Подшоҳ уни ушлаб, қўлига яширибди. Дарвиш ҳузурига кириб келганида подшоҳ унга жиддий тикилиб, “Менинг қўлимда нима бор?” деб сўрабди. Дарвиш ҳукмдорнинг жиддийлик билан савол берганидан чўчиб, тақдирнинг бундай ёзуғига дучор бўлганидан ташвишланиб, ўз қисматига ишора сифатида “Оҳ, бечора Чакчак! Мана, сен ҳам подшоҳнинг қўлига тушиб ночор қолдинг-ку!”, дея базўр жавоб берибди. (Хоразмликлар чигирткани чакчак ҳам дейишади) Подшоҳ эса дарвишнинг топқирлигидан, валийлигидан ҳайратга тушиб, унга совға-саломлар бериб жўнатибди”.*

Бу, назаримда, шунчаки бир ривоят эмас, олис ўтмишдаги воқеликнинг акс садосидай бўлиб туюлади. Саййид Чакчак ота XII асрда Хоразмдагина эмас, бутун Шарқда адабиёт илмининг билимдони деб тан олинган аллома, шоир, Ануштегинийлар саройида “котиб ал-иншо” сифатида машҳур бўлган, Ватвот тахаллуси билан улуғланган Рашидиддин Муҳаммад ал-Умарийнинг халқ томонидан яратилган образи дейиш мумкин. Бунинг боиси бор. Ҳақиқатан, Рашидиддин Ватвот ривоятдаги Саййид Чакчак ота каби сўзга уста, фикрлар жангида бировдан мағлуб бўлмайдиган, ҳукмдорлар олдида “сўз валийси”га айланган шахс бўлган.

Албатта, улуғ аллома Рашидиддин Ватвотнинг халқ оғзаки ижодида Саййид Чакчак ота тимсолига айланишини юқоридагича изоҳлашнинг ўзи етарли эмас. Бунда бошқа сабаб ҳам бўлган. Ёзма манбаларда шоирнинг Ватвот тахаллуси “кўршапалак” деган мазмунни билдиради, дейилади. Бу тахаллус ташқи кўриниши кичкиналиги, кўримсизлиги, қиёфасининг ноўхшовлиги туфайли берилган. Аммо Ватвот сўзи хоразмликлар тилида бошқа бир мазмунда – кўп гапирадиган, сўзамол, гапга уста, ҳар қандай сўзга жавоб топиб бера оладиган одамга нисбатан ҳам ишлатилган.

Одатда бундай одамлар халқ орасида кечасию кундузи тинмай сайрайдиган чигиртка – чакчакка ўхшатилган. Рашididдин Ватвотнинг халқ орасида Саййид Чакчак отага айланиши сабаби шундай бўлса, бу маскан улуғ алломанинг эндиликда фақат номи қолган мангу оромгоҳи бўлган бўлса ажаб эмас. Шоир Муҳаммад Юсуф Рожий Саййид Чакчак отани Ибн Ҳожибнинг устози, деб улуғлаши ҳам уни Рашидиддин Ватвот шахсига яқинлаштиради.

Тарихий асарларда Гурганж шаҳри ҳудуди билан боғлиқ баъзи маълумотлар ҳам мавжуд. Жумладан, Ибн Батута бу ерга келганида шаҳар ташқарисида шайх Нажмиддин Кубронинг хонақоҳидан ташқари мавлоно Жалолиддин Имодий ас-Самарқандий ал-Кардарий завиясини ва имом, улуғ аллома Маҳмуд аз-Замахшарий мақбарасини ҳам кўрганлиги тўғрисида ёзиб қолдирган. Ҳар иккала маълумот ҳам алоҳида эътиборни тортади. Биринчи маълумотда номи келтирилган шахс Жалолиддин Имодий ас-Самарқандий билан Ибн Батута шахсан учрашган. Унинг шаҳардаги мадрасалардан бирида мударрис эканлигини айтиб ўтади. Унинг номи билан боғлиқ завия(хонақоҳ)нинг борлиги эса ўша давр алломалари бундай жойларда йиғилиб, илмий мажлислар ўтказиб турганлигидан дарак беради. Афсуски, бу завия шаҳарнинг қайси нуқтасида жойлашганлиги номаълум. У билан боғлиқ бирор жой ҳам, ривоят ҳам қолмаган.

Ибн Батутанинг иккинчи маълумоти – “Имом, улуғ аллома Маҳмуд аз-Замахшарий қабри шаҳар ташқарисида жойлашган. Унинг устига гумбазли мақбара қурилган”лиги ҳақидаги фикрлари бироз баҳсталаб кўринади. Муаррих “Замахшарий қабри шаҳар ташқарисида” деганда нимани назарда тутган? Аллома мақбараси Урганч шаҳрининг шундоқ ёнида, унга туташ нуқтада эканлигинимиёки шаҳардан четда, узоқроқ бир қишлоқ ёхуд қалъада жойлашганига ишора қилганмикан? Чунки бу ўринда ҳар икки ҳолат ҳам шаҳар ташқарисини англатади. Бундай дейишимизга сабаб бор. Аллома Маҳмуд аз-Замахшарий мақбараси бугунги кунда Кўҳна Урганчдан анча узоқда бўлган Замахшар шаҳри харобалари яқинида жойлашган. Усти гумбазли, катта мақбара “Оқсоқ ота” номи билан юритилади. Агар Маҳмуд аз-Замахшарийнинг бир оёғи бўлмаганлиги ҳисобга олинса, бу табаррук маскан айнан шу алломага тегишли эканлиги маълум бўлади. Бундай ҳолда унинг қабрини Урганч шаҳри атрофидан излаш учун зарурат туғилмасди. Лекин бошқа бир тарихчи Фосих Хавофий аллома Розиаддин Яҳё вафоти тўғрисида ёзар экан, унинг ўғли Фахриддин ал-Қассорий ал-Барчинлиғий *“Кейинчалик отасининг хокини Хоразмнинг Журжониясига олиб келиб, бу ердаги “Жараллоҳ” қабристонига дафн қилди”,* деб ёзади. Агар бу маълумот тўғри бўлса, унинг тўғрилигига шубҳа йўқ, Маҳмуд аз-Замахшарий мақбараси билан “Жараллоҳ” (бу улуғ алломага берилган нисбат, Аллоҳнинг қўшниси деган маънони англатади) қабристони бир жойда деган маълумот нотўғри бўлиб чиқади. Балки аллома мақбараси билан унинг номидаги қабристон бошқа-бошқа жойларда бўлгандир. Нима бўлмасин, бугунги кунда Кўҳна Урганч вайроналари атрофида Маҳмуд аз-Замахшарий номи билан боғлиқ қабристон ҳам изсиз йўқолиб кетган.

Аллома Жоний – Маҳмуд Ғиждувоний шаҳар четида “Ҳожи Олти Қулоч” номи билан боғлиқ мақбара бўлганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Унинг маълумотига кўра, ушбу мақбарани XVI асрнинг бошларида шайх Камолиддин Ҳусайн ал-Хоразмий шогирдлари, яқинлари билан биргаликда қайта қуриб, таъмирлаган. Бу мақбара шаҳарнинг жанубий дарвозаси яқинида бўлган. Мақбара ичидаги қабр номига кўра Самарқанддаги Хожа Дониёр, Миздакхондаги Шамун Наби қабрлари каби узун қилиб қурилган. Мақбаранинг XVI асрда қайта қурилиб, таъмирланганлигини ҳисобга олсак, бу иншоот мўғуллар босқинидан аввал барпо этилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Афсуски, бу мақбара ҳам бугунги кунгача етиб келмаган.

Кўҳна Урганчга охирги марта зиёратга борганимда эски танишим Бекжон Хидирбоев мени бир жойга бошлади. Тўрабекхоним мақбарасидан тўғри юриб, Ибн Ҳожиб мақбараси яқинидан чиқдик. Ундан шимоли ғарб томонга юрдик. Экин далаларининг чеккасида атрофи тўсиқ қилинган, ўртасида деворлари ғиштдан, устига катта тош плита қўйилган жойда тўхтадик.

– Бу қандай жой? – сўрадим ундан.

– Қабристон, – деди у ҳазин оҳангда. – Болалар қабристони. Бу ерга, тош плита остига 8-10 ёшлик болалардан мингдан ошиғининг калласуяклари қўйилган.

Унинг бу сўзларини эшитиб даҳшатдан қотиб қолдим. Юртимизнинг кўп жойларига борганимда ҳар хил қабристонларни зиёрат қилганман. Лекин фақат болалар қабристонини, яна фақат уларнинг бош суякларидан иборат қабристонни кўриш нари турсин, эшитмаганман ҳам. Шунинг учун танишимнинг бу гапларига ишонқирамай, “Балки бундай жой эмасдир. Бирор тарихий иншоот қолдиғидир”, дедим.

**Маҳмуд аз-Замахшарий мақбараси бугунги кунда Кўҳна Урганчдан анча узоқда бўлган Замахшар шаҳри харобалари яқинида жойлашган. Усти гумбазли, катта мақбара “Оқсоқ ота” номи билан юритилади. Агар Маҳмуд аз-Замахшарийнинг бир оёғи бўлмаганлиги ҳисобга олинса, бу табаррук маскан айнан шу алломага тегишли эканлиги маълум бўлади. Бундай ҳолда унинг қабрини Урганч шаҳри атрофидан излаш учун зарурат туғилмасди.**

– Аниқ шундай жой, – деди у. – Буни отам айтиб берган. У киши тракторчи бўлиб ишлаган. Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида бу ерларни текислаб, экин экишга тайёрлаш пайтида отамнинг бульдозери кураги мана шу тош плитага теккан. Кейин ёнидаги бирга ишлаган одамлар билан бирга тош плитанинг устини тозалашган. Унинг тагида нима борлигини билиш учун тош плитани сурмоқчи бўлишган. Лекин тош плита сурилмай, бурчагидан бир метрдан ошиқ қисми синиб тушган. Ўша жойдан пастга тушиб қарашса, икки метрдан ошиқ пастда болалар калла суяклари териб қўйилганмиш. Шудан кейин ўша синган жойни ўрнига қўйиб, бетон билан мустаҳкамлашган ва устидаги тўсиқларни қўйишган.

– Бундай қаттоллик қайси даврда бўлган экан? Бунча болалар бу ерга қандай йиғилган экан? – танишимнинг сўзларига ишонқирамай яна сўрадим.

– Қайси даврда бўларди, мўғуллар босқини пайтида-да. Болаларни эса мактабга тўплаб ёки мактабда ўқиётган пайтида хунрезлик қилган бўлсалар керак.

Танишимнинг бу жавобларидан қаноатланмасам-да, аниқроғи, болаларнинг мактабда ўқиётган пайтида қатл қилинганлиги ҳақидаги гапларига ишонмасам-да, индамадим. Ахир душман остонада турган пайтда болалар мактабга борармиди? Яна битта мактабда ўша пайтларда мингдан ошиқ бола таълим олганмикан? Қайтаётганимизда орқадан худди болаларнинг йиғисига ўхшаган ғалати овоз чиқди. Ҳайрон бўлиб ортга қарадим.

– Парво қилманг, бу шамолнинг товуши. Бу қабристоннинг айрим жойларида тешиклар бор. Шамол шуларга урилиб чиқаётганда мана шундай товуш ҳосил қилади. Шамол авжига чиққанда, товуш катталарнинг йиғисига ўхшайди...

Бу воқеа узоқ вақт хаёлимдан кўтарилмади. Инсон зоти наҳотки мана шундай ваҳшийликларни қилишга қодир бўлса, деган фикр кўп вақт тинчлик бермай келди. Отамалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” деб номланган асарини ўқиганимдан кейин мўғулларнинг Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон ўлкаларида бундан ҳам даҳшатли ёвузликларни қилганликларига ишонч ҳосил қилдим. Муаллиф мўғулларнинг Нишопурни босиб олиш пайтидаги воқеаларни тасвирлар экан, жанг пайтида Чингизхоннинг қизларидан бирининг эри Тўқочар ҳалок бўлганидан кейин нишопурликлар бошига тушган кулфатлар тўғрисида бундай деб ёзади: *“Мўғуллар вазиятни ўз ҳукмронлиги остига олгач, омон қолган эркак, аёл, болалар, кексалар – ҳаммани шаҳар ташқарисидаги майдонга ҳайдадилар. Уларнинг орасидан тўрт юзта ҳунарманд танлаб олиниб Туркистонга олиб кетилди. Тўқочарнинг қасдини олиш учун шаҳар вайрон қилиниб, уни шудгор қилинадиган даражага келтиришга, ит, мушук, уй ҳайвонларидан тортиб бирорта жонзотни омон қолдирмасликка буйруқ берилди. Чингизхоннинг қизи – Тўқочарнинг хотини қўшини билан келиб, шаҳар ичида тирик қолганлар ҳаётига нуқта қўйди. Майдондаги эркаклар, аёллар, кексалар, болаларнинг каллаларини кесиб, алоҳида-алоҳида жойларга қўйдилар. Нишопур бутунлай йиқилди, уйлар ер билан бир бўлди. Юксакликда осмон билан бўйлаша оладиган саройлар тупроққа қоришди. Бинолар ўринларида тепаликлар қолди. Гулбоғлар ёнган жойларга айланди...”.* Муаррихнинг мўғуллар босқини туфайли Нишопур шаҳри ва унинг аҳолиси бошига тушган даҳшатли воқеалардан иборат ҳикояларини ўқир экансиз, Урганч шаҳри ҳам бундан икки-уч карра ортиқроқ қаттолликларга дучор бўлганини англаш қийин эмас. Болалар калла суякларидан иборат қабристоннинг мавжудлиги ана шу фожианинг бир кўриниши эди.

Урганч IX асрдан то XV асргача кўкка бўй чўзган миноралар, масжидлар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, кўркам бозорлар шаҳри сифатида улуғланган. Афсуски, улардан бир-иккита намуналардан ташқари бирортаси бугунги кунгача етиб келмаган. Ҳатто уларнинг аксариятини ўринлари ҳам маълум эмас. Шунингдек, шаҳар барча даврларда илм-фан, маърифат, санъат маскани сифатида Шарқда шуҳрат қозонган. Бу ерда Маъмун академияси, Ануштегинийлар даври маърифат масканларидан ташқари юзлаб мадрасалар, ўнлаб кутубхоналар фаолият юритган. Улардан баъзилари ҳақида муаррихлар асарларида ҳар хил маълумотлар сақланиб қолган.

Шулардан бири Низом ул-Мулк мадрасаси бўлган. Бу мадраса Хоразмшоҳ Ануштегинийлар даврида вазир бўлиб ишлаган Низом ул-Мулк Маъсуд ибн Али томонидан қурдирилган. Мадраса ёнида катта кутубхона ва хонақоҳ ҳам қурилганлиги хусусида маълумотлар мавжуд. Вазир ҳижрий 595 (милодий 1200) йилда қатл этилганидан кейин мадрасага туташ кутубхона ва хонақоҳ бузилиб кетган. Бу мадраса қаерда бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот йўқ.

XII асрнинг охирларида бунёд этилган яна бир мадраса Муҳаммад ан-Насавий номи билан юритилган. Бу мадрасани Хоразмнинг бош қозиси бўлиб ишлаган Абу Умар Муҳаммад ибн Абдураҳмон ан-Насавий қурдирган. Мадрасада асосан фиқҳ ва шариат илмидан сабоқ берилган. Унда Хоразмнинг улуғ инсонларидан бири, донишмандлар донишманди сифатида танилган ас-Садр ал-аллома Сирожиддин Ёқуб ас-Саккокий мударрислик қилган.

Тарихий манбаларда Урганч бозори, халқ йиғиладиган майдони, ҳунармандлар устахоналари, каналлари ва сув йўллари, шаҳар атрофидаги чорбоғлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммаси шаҳар вайроналари остига кўмилиб, Урганчнинг археологик ёдгорликларига айланган. Эндиликда бу шаҳарнинг вайроналари кўмилган ҳудудда кенг миқёсда археологик қазишмалар олиб бориш ҳаётий заруратга айланди. Агар бу иш амалга ошса, боболардан қолган юрт – нафақат Кўҳна Урганчнинг шаҳарсозлик тақдири, балки мамлакатимизнинг, Марказий Осиёнинг шаҳарсозлик, халқимизнинг давлатчилик тарихлари ҳам янада мукаммал тарзда очиб берилган бўларди.

Ёшлар минбари

# УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ БУНЁД ЭТИШ

Конституциямизнинг биринчи моддасида “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, деб қайд этилган.



**Сардор ДАСТИРОВ,**
**“Адолат” СДП “Ёш адолатчилар” қаноти Тошкент вилояти кенгаши раиси**

Ижтимоий давлат – шундай давлат моделики, унда ҳар бир фуқаронинг сифатли ва муносиб турмуши учун моддий бойлик ва даромадлар ижтимоий адолат тамойили асосида тақсимланади, ижтимоий фарқлар йўқолиб боради. Бу давлат юқори иқтисодий ўсиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, кучли фуқаролик жамияти ва фаол ННТ, жамоат ташкилотлари, ижтимоий дастурлар, фуқаро учун кучли ижтимоий ҳимоя ва ундан фойдаланишнинг кенг имконияти, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимининг юқори сифатлилиги ва барча учун фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, ижтимоий соҳа учун бюджет даромадларининг катта қисми йўналтирилиши, ижтимоий хизматларнинг кўплиги, коррупция, ишсизлик ва қашшоқликка қарши самарали кураш билан тавсиф этилади. Бугунги кунда Финландия, Нидерландия, Канада, Швейцария, Бельгия каби мамлакатлар ижтимоий давлат сифатида тавсиф этилмоқда.

Ижтимоий давлат ғояси жаҳон социал-демократик партиялари дастурлари марказида туради.

Социал-демократия ғоялари халқимиз учун бегона эмас. Заминимизда социал-демократик ташкилотлар, социал-демократик матбуот 1905 йилда пайдо бўла бошлаган. Айниқса, уларнинг фаолияти нафақат Тошкент ва Самарқандда, балки Чоржўй, Туркистон, Марв, Андижон, Марғилон ва Кушкада фаол эди. Улар ўз дастурий ҳужжатларида ижтимоий давлат ғояларини илгари суриб келишган. Бироқ 1917 йилги Россия империясидаги февраль ва октябрь тўнтаришлари Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ҳокимиятга келган коммунистлар бутун сиёсий ҳокимиятни монополлаштирган, бошқа сиёсий партияларни ҳокимиятдан четлаштирган ва 1990 йилгача якка сиёсий партия сифатида фаолият юритган. Кўппартиявий тизим шаклланиши билан Ўзбекистонда ҳам социал-демократик йўналишдаги “Адолат” сиёсий партияси фаолият бошлади.

Бугун ушбу партия ҳам ўз дастурий ҳужжатларида ижтимоий давлат ғояларини илгари суриб келмоқда. Хусусан, партия Сайловолди дастури кириш қисмининг ўзида *“Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли “ижтимоий давлат” сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш”*, дея қайд этилган.

“Ҳуқуқий-ижтимоий давлат қуриш – пировард мақсадимиз” шиорини илгари сураётган партия ушбу дастурнинг “Кучли ижтимоий сиёсат – халқ фаровонлигининг кафолати” бўлимида *“... Жамиятдаги ижтимоий тенгликни таъминлайдиган, ҳар бир фуқаронинг қобилияти ҳамда малакасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, у ўз меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш”* вазифаси белгиланган.

2023 йил 30 апрелда ташкил этилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми якунларига асосан унда овоз берувчилар рўйхатига киритилганларнинг 84,51 фоизи иштирок этди ва уларнинг 90,21 фоизи “Сиз “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунини қабул қиласизми?” деган масалага “Ҳа” деб ёқлаб овоз берди. Яъни, референдумда иштирок этганларнинг 90 фоиздан кўпроғи ижтимоий давлат ғоясини устувор деб билди ва уни танлади. Шундай экан, “Адолат” СДПнинг халқ олдидаги масъулияти катта ва салмоқли. Жаҳон социал-демократларининг тажрибасида бўлгани каби, партия Ўзбекистонда ижтимоий давлат қуришда байроқдор бўлиши ва бутун дунё социал-демократлари қураётган ижтимоий давлатни мамлакатимизда бунёд этишда асосий кучга айланиши керак.

## Тавсия

- *Энг ёмон соя* – ҚЎРҚУВ.
- *Энг ёмон хато* – РУҲАН ТУШКУНЛИК.
- *Энг қўрқинчли одам* – ЁЛҒОНЧИ.
- *Энг ёмон қалб қоралиги* – ҲАСАД.
- *Энг катта бойлик* – ОҚИЛЛИК.
- *Энг катта мерос* – ТАРБИЯ.
- *Энг катта куч* – САБР.
- *Энг катта хазина* – ИЛМ.
- *Энг машаққатли иш* – НАФСНИ ТАРБИЯЛАМОҚ.
- *Энг оғир меҳнат* – ЁМОН ХУЛҚНИ ЯХШИСИГА АЛИШТИРМОҚ.
- *Энг гўзал иш* – УЗР СЎРАМОҚ ВА КЕЧИРМОҚ.
- *Энг буюк неъмат* – ИЙМОН, ИШОНЧ, УМИД*дир.*
- *Энг яқин, энг ишончли дўст* – АЛЛОҲ*дир.*




# КИТОБЛАР тафаккур кемаларидир

Оқсоч тарих шоҳид, даврлар силсиласида башариятга маънавий озуқа беришда бебаҳо дурдона ҳисобланмиш китоб ўз ўрнини бошқа моддиятга бериб қўймайди. Зеро, китоб – замонлар денгизида саёҳат қилаётган ва ўзининг қимматли билим юкини авлодларга ташиётган ҳикмат кемаси, маърифат маёғи. Унга ошно бўлган, мутолаа завқини қалбдан туйган ҳақиқий китобхон дунёқарашининг кенгайишини, фикрлаш қобилиятининг ривожланишини теран англай бошлайди.

Мақоламиз ибтидосини бежиз китобдан бошламадик. Бугун мамлакатимизда дунё тажрибасида ҳали кузатилмаган ҳолат, яъни китобхонликка давлат сиёсати даражасида эътибор бериш, иқтидорли мутолаанависларни қўллаб-қувватлашга ҳар қачонгиданда катта эътибор қаратилмоқда. Миллионлаб ўқувчи-ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, ғолибларга автомобиль бериш орқали китобга бўлган қизиқишини оширишда «Ёш китобхон» танлови ўз анъанасини ярата олгани сўзимиз исботидир. Ўтган йил сентябрь ойидан старт олган 2023 йилги мавсумнинг финал беллашувлари жорий йил 15-22 февраль кунлари пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг 14 ҳудудидан келган мутолаа шайдолари ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Танлов шартига кўра 10-14 ёш иштирокчилари 50 та, 15-19 ёш тоифаси бўйича 60 та ҳамда 20-30 ёш тоифаси иштирокчилари 70 та китобни ўқишлари керак эди. Билимлар баҳсида китобларни ўқиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаган, саволларга тўғри жавоб берган китобхонлар муносиб тақдирланди. Зўрлар ичида зўри бўлган иштирокчилар ғолиб бўлиб, Президент совғаси – "Cobalt" автомобили билан мукофотландилар.

Биз танловнинг 15-19 ёш тоифасида биринчи ўринни қўлга киритган **Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги 19-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Мироншоҳ НУРМАТОВ** билан китобхонлик маданияти, ёшларнинг бу борадаги фикри ҳамда "Ёш китобхон" танлови жараёнлари ҳақида суҳбатлашдик.

**– Мироншоҳ, ғалабангиз билан газетхонларимиз номидан самимий қутлаймиз. Суҳбат аввалида китобга илк меҳр қўйган пайтларингиз хусусида гаплашсак.**

– Катта раҳмат! "Ёшларни кичиклигидан бошлаб китоб ўқишга ўргатиш керак, чунки кичиклигидан бошлаб китоб ўқимай ўсган бола катта бўлганида ҳам ўқимайди", деган эди севимли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоев. Чиндан ҳам бадиий адабиётга бола ёшлигидан қизиқтирилиши, оилада адабий муҳит яратилган бўлиши керак. Адабиётга қизиқтириш деганда, кўпчилик катталар ўйлаганидек, фарзандларига мана бу китобни ўқи деб боланинг олдига китобни қўйишнинг ўзи етарли эмас. Токи фарзанди китобхон бўлишини хоҳлаган ота-онанинг ўзи ҳам китобга меҳр бериб, фарзанди билан бирга китоб ўқиб, китобни муҳокама қилишса, шундагина фарзандда адабиётга қизиқиш уйғотишга эришиш мумкин. Бизнинг оилада ҳам мана шундай бадиий адабиётга қизиқиш, адабий муҳит шаклланган эдики, мен ана шу муҳит, ота-онамнинг менга берган эътиборлари натижасида шу даражага эришдим. Дадам китоб ўқишга жуда қизиқадилар. "Сизлар дориломон кунларда яшаяпсизлар. Китоб ўқиганга машина берилади, деб ким ўйлаган эди? Бизнинг ёшлигимизда бундай имконият йўқ эди. Агар менда сизларга берилаётган имконият бўлганда, китоб ўқиб, аллақачон машина ютиб олардим!" деб кўп бор айтганлар. Мени бадиий адабиётга қизиқтирган, ёшлигимда ўқишни, ёзишни ўргатиб, қўлимга китоб берган инсон ҳам дадам бўлади. Дадамнинг Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" асарини қўлларидан қўймай ўқиётганларини кўриб, қизиқиб қолдим ва шу китобни ўқимоқчи бўлганман. Дадам менга: "Ҳозир сен болалар адабиётига оид китобларни ўқишинг керак", деб эртак китоблар олиб келиб берган. Уларни ўқиб бўлганимдан кейин барибир ичимдаги қизиқиш кучлилик қилиб, "Юлдузли тунлар" асарини ўқиб кўргандим. Менда бу асарни ўқишга кучли қизиқиш бўлишига сабаб дадамнинг мутолаага бўлган меҳри эди.

**– Билишимизча, "Ёш китобхон"да иштирок этаётганингизга бу йил 6 йил бўлди. Шу вақт мобайнида юз берган энг эсда қоларли ва қизиқарли таассуротлар билан ўртоқлашсангиз.**

– "Ёш китобхон" танлови ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб қолди, десам тўғри бўлар. Бу танловга қатнашиб, китобларни ўқир эканман, ўзлигимни маълум бир маънода англадим. Қолаверса, ўзимни ўзим қайтадан кашф этдим. Танлов мени бир-биридан қадрли китобхон ака-опаларим, илмли дўстларим билан таништирди. Қалбимнинг тўрида ширин хотиралар билан жой эгаллади. 2018 йил биринчи марта танловга қатнашганимда, туман босқичидан чиқа олмаганман. 2019 ва 2020 йилларда ҳам аҳвол қониқарли бўлмади. Шундан кейин ғолиб бўлишга умид қолмаганди. Қатнашсам ҳам барибир тумандан ўта олмайман, деган фикрда эдим. Энди бу танловга қатнашмаслик қарорига келгандим. 2021 йилда танлов бошлангач, китоблар рўйхати эълон қилинди, лекин мен танлов ҳақидаги хабарларга эътибор бермадим. 2021 йилда танлов уч босқичда ташкил этилди. Туман беллашувлари 2021 йилнинг 14 декабрь куни ўтказиладиган бўлди. Ўша куни мактабда эдим. Устозим дарсга кириб келгандан кейин бугун туманда "Ёш китобхон" танловининг туман босқичи ўтказилиши белгиланганлигини, бироқ турли сабабларга кўра ўтказиш муддати 27 декабрга қолдирилганлигини айтиб, ушбу танловда олдин ҳам қатнашганимни, бу йил ҳам имкониятдан фойдаланиб кўришимни таъкидлади. Устозга бу танловда ғолиб бўлишга умидим йўқлигини айтдим. Уйга келганимдан кейин яна ўйлаб кўрдим. "Балки шу йил ғолиб бўларман… Бир қатнашиб кўрсамчи?", деган ўй вужудимни чулғаб олди. Китоблар рўйхатини кўрдим. Рўйхатдаги асарлардан кўпчилигини ўқиган эканман. Бу асарларнинг мазмуни, воқеалари ёдимда эди. Дадамга бугун мактабда бўлган суҳбатни, китоблар рўйхатидаги асарларни ўқиганимни ва танловга яна қатнашиш истагимни айтдим. У таваккал қилиб, қатнашиб кўришимни, балки ғолиб бўлишим мумкинлигини айтди ва далда берди. Шундан сўнг танловга тайёргарлик кўриб, асарларни қайта ўқиб чиқишга ҳаракат қилдим. 27 декабрь куни туман босқичида тест кўринишида беллашув бўлиб ўтди. Тестда иштирок этиб, 58 балл тўпладим. Натижа пастлиги учун туман босқичида ғалаба қозонишга умидим сўнганди. Бу йил ҳам тумaн босқичидан чиқолмайман, деб ўйладим. Бир неча кун ўтиб, танловнинг туман босқичидан вилоят босқичига йўлланма олган иштирокчиларнинг рўйхати эълон қилинди. Не бахтки, вилоят босқичига йулланма олган иштирокчиларнинг орасида мен ҳам бор эканман. Тақдиримга битилган экан, ўша йили вилоят босқичидан республикага ҳам чиқдим. Ўшанда мен бир нарсани англадимки, инсонга насиб бўлиши керак бўлган неъмат барибир бир кун унга келар экан. Шунинг учун ҳеч қачон тушкунликка тушмаслик лозим. Илмга интилган одам бир кун, албатта, орзуларига эришади. Икки марта республика босқичида иштирок этдим. 2021 йилги ва 2023 йилги мавсумларда. Биринчи марта республика босқичида қатнашганимда, "тезкор савол-жавоб" шартида менга 5-6 та эртак жамланган китобдан савол тушган эди. Мен китобдаги эртакнинг номини эмас, балки китобнинг номини айтганимда, жавобим қабул қилинмаган эди. Ўша вақтда ёшлик ва қизиққонлик қилиб, ҳакамлар билан тортишган эдим. Ана шу воқеалар менинг танловдаги энг эсда қоларли таассуротларим...

**– Дўстим, 6 йиллик меҳнатнинг меваси юксак бўлди. Ушбу ғалабани қўлга киритишингизда кимларнинг ҳиссаси катта?**

– Ҳар бир ишда муваффақиятга эришиш фақат инсоннинг ўзига эмас, унинг оиласи, яқинларининг қўллаб-қувватлаши, ёрдамига ҳам бевосита боғлиқ. Барча эришган ютуқларимда оила аъзоларимнинг, яқинларимнинг ҳиссаси беқиёс. Шу пайтгача қандай ютуққа эришган бўлсам, уларнинг барчасига ҳаётдаги ва адабиётдаги устозларим, ота-онамнинг меҳнатлари ва эътиборларининг натижасида эришганман. Ютуқларимда ҳозирда таълим олаётган Косон туманида жойлашган 19-умумтаълим мактаби директори Азамат Худойқулов, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Муҳаррам Эшонқулова, Фарҳод Эшматовлар ҳамда бизнинг мактабда дарс бермасалар ҳам, менга бадиий адабиёт соҳасида катта ёрдам берган устозим, Косон туманидаги 64-умумтаълим мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ойсафар Йўлдошевага, "Ёш китобхон" танловидаги устозим Сурайё Шодиевага, танловга тайёргарлик кўришимда ўзининг фикрлари ва ўқилиши керак бўлган, мен топа олмаган китобларни топишда ёрдам берган ака-опаларим, илмли дўстларимга ўз миннатдорлигимни билдираман.

**– Ўқиган китобларингиз орасида ўз тенгдошларингизга қайси 5 та асарни тавсия қилган бўлардингиз?**

– Китоб ўқишда ҳамма ўзининг хоҳишига, ўзи ҳис қилаётган маънавий бўшлиқни қайси асардан оладиган мулоҳаза ва фикрлар тўлдира олишига қараб танлайди. Ҳозир кўпчиликка Европа ва АҚШда қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган, инсоннинг психологияси ҳақидаги асарларни ўқиш ёқишини эшитганман. Менга бу каби ҳисоб-китоблар, илмий жумлалардан иборат асарларни ўқишдан кўра, ҳиссиёт билан жўшиб ўқиладиган, ўқиганда юракка таъсир кўрсатиб, ғурур ва виждонни уйғота оладиган асарларни ўқиш кўпроқ ёқади. Жадид боболаримизнинг асарларини, ўзбек халқи тарихидаги оғир кунлар ҳақида ёзилган асарларни ўқиганимда, ўзимда ана шундай ҳисларни туйганман. Тенгдошларимга Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар", Нодар Думбадзенинг "Абадият қонуни", Ўткир Ҳошимовнинг "Икки карра икки беш", Чингиз Айтматов қаламига мансуб "Қиёмат" ҳамда Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" асарларини тавсия этган бўлардим.

**– Бугунги шиддатли даврда китоб ўқишнинг яна қандай фойдали жиҳатлари бор?**

– Китоб ўқиш, биринчи навбатда, инсонга руҳий озуқа беради, кишини ўз олдига улкан мақсадлар қўйишга ўргатади. Ҳозирда кўплаб ёшлар китоб ўқишни фақат бўш вақтда қилинадиган машғулот сифатида кўришади. Аслида бундай ўйлаш хато, негаки, бу жараён доимий қилиниши керак бўлган, фикр доирасини кенгайтириб, ҳаётга тўғри нигоҳ билан қарашни ўргатадиган машғулотдир.

Китоблар тафаккур кемаларидир. Улар ақлни чархлайди, инсонни ўзининг оламига олиб киради. Қолаверса, кишида ижодкорлик, эстетик тарбиянинг шаклланишида асосий воситадир.

**– Албатта, азиз газетхонларимизга ёш китобхонимизнинг келгусидаги мақсадлари қизиқ.**

– Бир ютуқ инсонни янада ҳаракат қилишга, бунданда каттароқ муваффақиятларга эришишга ундайди. Келгусида ўзим қизиқадиган тарих соҳасида таълим олиш мақсадим бор. Ота-онамга раҳмат келтирадиган, элимиз, халқимизнинг обрўсини жаҳонга танитадиган фарзанд бўлиб етишсам, ўзимни бахтлиман, дея оламан.

**"Бир инсоннинг қиймати ўқиган китоблари билан ўлчанади", деган эди инглиз файласуфи ва социологи Ҳерберт Спенсер. Ҳақиқатан ҳам, ёшларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни уйғотиб, бу борада ҳаракат қилаётган танлов ташкилотчиларининг мақсади – Мироншоҳ каби теран фикрлайдиган, билимли, зукко ёшлар сафини кенгайтиришдан иборат. Сиз ҳам қаҳрамонимиз каби китобхон юлдуз сифатида танилишни ва китоб ўқиш орқали "Cobalt"ни қўлга киритишни истасангиз, телеграмдаги** @yoshkitobxon_bot **орқали рўйхатдан ўтиб, белгиланган китобларни ўқишни ҳозирдан бошланг! Зеро, китоб ўқиш сизга ўзликни англашга ёрдам бериш билан бирга автомобилга эга бўлишингизни ҳам маълум бир маънода кафолатламоқда. Бу эса алоҳида эътирофга сазовор.**

**Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ суҳбатлашди**

---

***Barcha tadbirkorlik subyektlari diqqatiga!***

## O'zbekiston "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi Markaziy apparati ish faoliyatida zarur bo'lgan quyidagi moddiy-texnik vositalarni xarid qilish bo'yicha TANLOV E'LON QILADI:

| I | Animatsion va moushn effektlar uchun kompyuter jamlanmasi | |
|---|---|---|
| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
| 1 | CPU: Intel-Core i9 - 14900K, 3.2 GHz, 33MB, oem, LGA1700, Raptor Lake | 1 dona |
| 2 | OZU: Crucial DDDR5 64GB 4800Mhz (32gbx2) | 1 dona |
| 3 | SSD: SSD Samsung 980 PRO 1 TB (MZ-V8P2T0BW) M.2 PCI-E 4.0 | 1 dona |
| 4 | Materinka: MB Gigabyte Z790 AIRO G DDR5 LGA1700 | 1 dona |
| 5 | Videocard: Gigabyte - 16GB GeForce RTX4080 AORUS MASTER GV-N4080AORUS M-16GD | 1 dona |
| 6 | Blokpitaniya: Gigabyte UD1300GM PG5, 1300W, 120mm, 80 Plus Gold, Modular ATX Power Supply | 1 dona |
| 7 | Kuller: (Jidkostniy kuler dlya SP) Icue H170i Elite Capellix | 1 dona |
| 8 | Keys Cooler: Master HAF 700 PC Case Review | 1 dona |
| 9 | HDD: SEGAT EXOS 4 TB | 1 dona |
| 10 | Monitor: Samsung - 27" LS27A700NWN Monitor, IPS, 60Hz, 5mc, UHD (3840x2160), HDMI+DP, Black | 2 dona |
| 11 | Klaviatura, mishka: Redragon | 1 dona |

| | Foto, video va boshqa media mahsulotlar montaji uchun kompyuter jamlanmasi | |
|---|---|---|
| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
| 1 | CPU: Intel-Core i7 - 12700K, 3.6 GHz, 25MB, oem, LGA1700, Alder Lake | 1 dona |
| 2 | OZU: Lexar DDR5 32GB 3600Mhz RGB (16gbx2) | 1 dona |
| 3 | SSD: SSD Samsung 980 PRO 1 TB (MZ-V8P2T0BW) M.2 PCI-E 4.0 | 1 dona |
| 4 | Materinka: MB Gigabyte B760 AORUS ELITE AX DDR5 LGA1700 | 1 dona |
| 5 | Videocard: Gigabyte - 12GB GeForce RTX4070Ti WINDFORCE OC GV-N407TWF3OC-12GD | 1 dona |
| 6 | Blokpitaniya: Gigabyte Aorus GP-AP850GM 850W, 120mm, 80 Plus Gold, Modular, ATX Power Supply | 1 dona |
| 7 | Kuller: ID Cooling SE-207-XT BLACK | 1 dona |
| 8 | Keys: MB520-KGNN-S01 | 1 dona |
| 9 | HDD: SEGAT EXOS 4 TB | 1 dona |
| 10 | Monitor: Samsung - 27" LS27A700NWN Monitor, IPS, 60Hz, 5mc, UHD (3840x2160), HDMI+DP, Black | 1 dona |
| 11 | Klaviatura, mishka: REDRAGON | 1 dona |
| 12 | Konsentrator: Belkin Travel Hub USB-C PD, USB-C, 2/USB 3.0, HDMI, Gigabit, space gray (F4U092btSGY) | 1 dona |

| II | Tasvirga olish vositalari jamlanmasi | |
|---|---|---|
| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
| 1 | Canon EOS 5D Mark IV Kit 24-105mm | 1 dona |
| 2 | Obyektiv: Canon EF 70-200 mm | 1 dona |
| 3 | Fotoapparat uchun batareya | 2 dona |
| 4 | Kamera uchun yoritish led chirog'i (Vspishka dlya fotoapparata): YN600 | 1 dona |
| 5 | Fotoapparat uchun sumka | 1 dona |
| 6 | Fleshka: SD 128Gb | 2 dona |
| 7 | Shtativ: Benro BV6Pro Dual-Tube s videogolovoy BV6 | 1 dona |
| 8 | Fotoapparat uchun stabilizator: Ronin S-3 | 1 dona |
| 9 | Batareyka (Akkumulyatorniye batareyki): Eneloop pro (Panasonic) | 28 dona |

| | Media studiyasi uchun xarid qilinadigan jihozlar ro'yxati | |
|---|---|---|
| № | Moddiy-texnik vosita nomi va turi | Soni |
| 1 | Amaran 300S | 2 dona |
| 2 | Softbox (aputure light Dome2) | 2 dona |
| 3 | Godox FL150R | 2 dona |
| 4 | Nanlite 30X | 2 dona |
| 5 | Shtativ: Selens BXL280 | 7 dona |
| 6 | GreenBean Field 3x7m Green (Fon tkaneviy xromakey zeleniy) | 1 dona |
| 7 | Shtativ juravl | 2 dona |
| 8 | Telesuflyor: GB-22BD Dual jamlanmasi | 1 dona |
| 9 | Dji OM 6, (Monopod) | 1 dona |
| 10 | Led panel: Godox LED1000D II | 2 dona |
| 11 | Nur qaytargich (Solnechnaya podsvetka dlya syomki) | 1 dona |
| III | Media studiyasi uchun ovoz yozish texnikalari | |
| 1 | Audient iD14 MKII | 1 dona |
| 2 | Focal Alpha 50 | 1 dona |
| 3 | Beyerdynamic DT 770 PRO / 32 ohm | 1 dona |
| 4 | AKG P120 | 1 dona |
| 5 | Miksherniy pult: Behringer 302USB | 1 dona |

**Eslatma!** Jadvalda ko'rsatilgan mahsulotlar uchun tanlov joriy yilning 16-aprel kuni soat 15:00 da partiyaning Markaziy apparati binosida bo'lib o'tadi.

Barcha mahsulotlarda buyurtmaning raqami, ishlab chiqaruvchining ma'lumotlari, ishlab chiqarilgan joyi, soni va boshqa qonun talablaridagi ma'lumotlar bo'lishi shart.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tomonidan tijorat takliflari "Adolat" SDP Markaziy apparati binosida joylashgan tanlov komissiyasiga joriy yilning 15-aprel kuni soat 18:00 gacha muhrlangan konvertlarda topshirilishi shart.

Tijorat takliflarida texnik-vositalarning o'rnatib berilishi va kamida bir yillik kafolat muddati ko'rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifat komissiyasi qabul qilmagan texnik-vositalar uchun pul to'lanmaydi.

**Moliyalashtirish manbai:** byudjetdan tashqari mablag'lar, kelgusida mablag'larning sarflanishi bo'yicha Hisob palatasining tekshiruvi bo'lib o'tishi belgilangan.

Tanlov vaqtida quyidagi da'vogarlarning tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko'rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo'l quyilmaydi.

*- qayta tashkil etish, tugatilish yoki bankrotlik bosqichida bo'lgan;*

*- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;*

*- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo'yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;*

*- tanlov e'lon qilingunga qadar ta'sis etilganiga 6 oy bo'lmagan;*

*- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko'rib chiqilayotgan.*

**Eslatma!** Tijorat takliflari bilan birga korxona-tashkilotning litsenziya va guvohnomalari tadbirkorlik subyekti tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yopiq holatda hamda tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilib, "Adolat" SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yopiq holatda taqdim etilgan, korxona-tashkilotning litsenziya va guvohnomalari tadbirkorlik subyekti tomonidan tasdiqlanmagan hamda tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko'rsatilmagan holda taqdim etilgan bo'lsa, bunday tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi. Tanlovda g'olib deb topilgan tadbirkorlik subyekti uch ish kuni ichida o'zbek tilida shartnoma berishi shart.

**Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111),**
**(93) 202 14 04, (91) 265 93 96.**

Komissiya kotibi: K.Mirzabayev

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
"Адолат" СДП
Сиёсий
Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бўлимлар:
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 300

Адади – 2048
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.